

ТАРИХШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК

МИР, АМИР ВА МИРЗО ИЖТИМОЙ АТАМАЛАРИ ҲАҚИДА **ИСҲОҚОВ МИРСОДИҚ** тарих фанлари доктори, профессор, ТДШУ

Crossref doi: <https://doi.org/10.37547/ot/vol-01issue-02-10>

Аннотация. Уибу тезислар тарихий манбашунослик учун муҳим мир ва амир деб юритилувчи, кўпинча тадқиқотчилар фарқламай келаётган икки ижтимоий атаманинг маъно фарқларини асослашига бағишиланган.

Таянч сўз ва иборалар: мир, амир, мирзо, буюрмок, Митра, исм.

Аннотация. Данные тезисы посвящены обоснованию различия в значениях социальных терминов мир и амир, важных для исторического источниковедения, но часто смешивающихся исследователями.

Опорные слова и выражения: мир, амир, мирза, повеление, Митра, имя.

Abstract. These theses are devoted to substantiating the difference in the meanings of the social terms world and amir, which are important for historical source studies, but are often confused by researchers.

Keywords and expressions: mir, amir, mirza, command, Mitra, name.

1. 1968 йили академик Яхё Гуломов ўрта асрларда амал қилган сайд, хўжа, мир, амир каби ижтимоий атамалар ҳакида “Фан ва турмуш” журналида мақола эълон қилиб, унда «мир» атамаси « амирдан» қисқариб пайдо бўлган, деган эдилар. Бугун тарихий манбашуносликнинг янги сермаҳсул даврига келиб, устознинг фикрларига қўшимча килиш мумкин кўринади.

2. “амир” атамаси арабча амр “буюрмок” феъл ўзагидан булиб , “буюргувчи” демакдир. мир атамасининг тарихи эса бизнинг ўлкамизда узок ўтмишга эга. Хусусан, бу сўз аждодларимизнинг кадимий зардуштийлик авеста маънавий маданий дунёси билан боғланади.

3. *мир-* атамасининг этимологик илдизи зардуштийлик диний, ахлоқий, фалсафий таълимотнинг асосий манбаи Авестада эзгу борликни яратган деб хисобланмиш олий парвардигор зот Аҳура Мазданинг энг якин ёрдамчиси, маъбуд Митранинг номига бориб тақалади. Бу сўз ўртасидаги -т- товуши тиш оралигига сиргалувчи талафузга эга болган, яъни *mīdra* (*mithra*). Бунда кадимги эроний портловчи -т- нинг қатор эроний тилларда тилларда сиргалувчи сифат пайдо килиш конунияти амал килган.

4. Митра – *mīdra* *mīdra* қаторининг кейинги фонетик ривожи *Mehr* – *Mihr* – *mihr(i)r* тарзида кечкан. Ўзбек тили шароитида *миир* – *мир* (яъни қисқа таллафузли) шаклга келган. Ёзувимизда қисқа, ярим унли ə унлиси учун белги йўқлиги сабабли *и* харфидан фойдаланиб келяпмиз.

5. Митра авеста китобининг Мехр Яшт (маъбуд Митра шаънига бағишиланган алқов) кисмида Қуёш балқиб чиқаётгандан унга ҳамроҳ бўлиб бирга самога чиқувчи, балки қуёшни само тоқига олиб чиқувчи ва уни тонг сахардан то шомгача осмон бўйлаб олтин аробасида олиб ўтувчи зот сифатида тарифланади.

Энг биринчи бўлиб самовий
 Маъбудларнинг сафи ичинди
 Хара узра балкийди Митра
 Ўлмас күёш билан юзма-юз
 Оти учкур билан тенгма teng
 Музайян ва олтин рангин
 Чуккилардан ул кўриб тураг
 Эронвежнинг борлиқ ерларин.....
 Ботир шоҳлар сўкқиши жадалга
 Отлангувчи ўшал ерларни
 Сокин, бўлик яйловлар ичра
 Ўтлаб юрган яйдоқ молларни
 Тўлкинлари баланд сапчиган
 Чуқур мовий кўлларни кўрар
 Кема юргич кенг дарёларни
 Сокин сувлар туб оқимларин
 Парут, Ишката томон,
 Марву Ҳарайва томон,
 Суғддаги Гава томон.

Шундай килиб Митра қўёш билан бирга самога чиқиб, унинг сиймоси самода куёшдан таралган нурга йўғрилиб, гуё у билан қўшилиб кетади. Шунинг учун куёш сўзи аждодларимиз тилида *мехр* сузи билан синоним бўлиб кетган ва бугун бу ҳол ҳеч кимни ажаблантирумайди.

Эй шоҳ, карам айлар чоғи
 Тенг тут ёмону яхшини
 Ким, меҳр нур тенг солур
 Вайрону обод устина
 (Оғаҳий)

6. Исмларда *Mittra – Михр – Mir* чизигида турувчи маъно уйғунлигидан келиб чиққан *mir-* олд қўшимча эса қадимги тассавурлар давомида илоҳий нурга мушарраф бўлган билимдон, окил, олим ва фозил кишиларга зиёли, обрўли социал гурухга нисбатан қўлланган. Интеллегенцияни арабча зиё “нур” ўзаги оркали «зиёли»деб аташимиз хам бежиз эмас. Гап шундаки, қадимги *михр – mir* сўзидаги маъно ислом даврида зиёли сўзи маъноси билан эквивалент эканидан фойдаланилган.

7. “Мир” атамасини “амир” билан боғлаш ва маъмурий ҳарбий тушунча билан кориштириш аслида “ғалати машхур”, яъни оммалашиб кетган хатодир. “Мир” ва “Амир” атамалари X-XII асрларгача ҳам манбаларда кориштирилмаган ҳолда ўзаро алоқасиз икки мустакил ижтимоий тушунча сифатида қўлланган (масалан, Байхакий, Тарихи Сейистон ва бошқалар)

8. *Mir* атамаси амирдан эмаслигини яна бир мисол исботлайди. Улуг мутаффакир Алишер Навоийга нисбатан *Mir* атамаси алоҳида таъкид билан *Амир Низомиддин Mir Алишер Навоий* шаклида мустакил қўлланган. Кўриниб турибдики, *mir* атамаси ул зотнинг *амир* унвонларига асло такрор эмас.

Қолаверса, ислом давридан бир неча юз йиллар аввал хам *mir* унвони олим, авлиё зотларга нисбатан ўзининг “зиёли” маъносига қўлланган. Мир Моний, Мир Аммо ва бошқалар. Мил. II асрга оид Термиз яқинидаги Айритом деган манзилдаги будда ибодатхонаси харобасидан топилган Будда хайкали ўрнатилган тош супачасининг олд ўзасига олти каторли юонон- бохтар ёзувини ўйиб туширган хаттот уста ўзининг номини

ёзиб қўйишни унутмабди. У котибнинг номи *Мирзод* экан. Хўжайини Шодиянинг буйруғига биноан мазкур битикни тошга ўйган экан.

Темурийлар салтанати давомида Буюк сохибқиронинг авлодларига нисбатан *Мирзо* унвонини қўллаш расм бўлган. Улугбек Мирзо, Мирзо Ҳусайн Бойқаро, Абу Сайд Мирзо, Бобур Мирзо ва ҳоказо. Бу унвон Амир Темур ва авлодларининг пиру устозларга, яъни замонаси аҳли донишларига ҳамда улуг авлиёларга бўлган ихлослари ифодасидир.

Мирзо сўзи икки ўзакдан иборат *мир* = ва зо=. Биринчисини юқорида изоҳладик. зо= эса “туғмоқ” демакдир. Яъни пиру устозлар илму зиёсидан баҳраманд Темур ҳазратларининг авлодлари демакдир.

Хулоса ўрнида: Демак, тарихан *мир* ва *амир* атамаси икки мустакил ижтимоий маънавий тушунчани ифодалаган. Бири жамиятнинг энг нуфузли зиёли қатламига, иккинчиси ҳарбий, маъмурий-ижтимоий қатламга нисбатан қўлланган. *Амир* унвони араб истилосидан кейин теократик давлат тизимларида халифа номидан амр қилиш хукуқига эга бўлган, баъзан сулоловий унвон бўлган. Кейинроқ эса подшолар томонидан бериладиган ижтимоий унвонга айланган.

Амир Темур ҳазратлари ҳакида “у зот хон авлодидан бўлманганлари учун амир унвонини олганлар”, - деб ёзишади. Бу гап бирёкламадир. Амир Темур ислом дунёсини бир байроқ остида тўплаш ниятида иш кўрганларини ҳисобга олсақ, масаланинг кенгроқ эканига амин бўламиз. Қолаверса, муғул хонлари ҳукмронлиги даврдаёқ исломга кирган уларнинг авлодлари орасида “*амир*”унвони пайдо булганини эслаш ҳам фойдадан ҳоли эмас: Амир Қозағон, Амир Ҳусайн ва бошқалар.

Темурийлардн кейин хокимият яна хонлар қулига ўтди. Шайбонийхон аждодлари ўзларининг Чингизхондан бошланган шажараларини билишган. Аштархонийлар ҳам шу анъана асосида Бухоро тахтига хон бўлиб келишган. Лекин 1747-1753 йиллардаги сиёсий воқеалар натижасида *мангит* уруғи вакиллари тахтга келиши билан олий ҳукмдорлар яна *амир* аталадиган бўлди. Бу мулоҳазалар биз ўртага қўйган *мир*- ва *амир*- атамалари ўзаро алоқасиз эканига шубҳа қолдирмайди.

